

Ma'rifati

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 9 февраль, чоршанба Баҳоси соғувда эркин нарҳда № 12 (7208)

Da'vat

Фақат бир эзгулик бор — билим ва фақат бир ёмонлик бор — жаҳолат.
СУКРОТ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси иккинчи ййғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи ййғилиши 2000 йил 11 февраль куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатиغا

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 10 февраль соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Anjuman

«СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ» ТАЪЛИМ ЙИЛИ ҲАМДИР

«Соғлом авлод йили»ни маълум маънода, таълим йили, деб ҳам аташ мумкин. Зеро, бола эсини таниганидан токи вояга етгунга қадар ҳар кунининг асосий фаол қисмини таълим муассасаларида ўтказишди. Унинг маънавий, қолаверса жисмоний камолот тақдирини ҳам таълим ходимлари га боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам жорий йилнинг бошиданқо таълим тизимида кенг қамровли, турли-туман тадбирларни ўтказишга астойдил киришилди. Буларнинг барчаси тизимдаги ишларнинг сифатини ошириш, қамровини кенгайтириш, умуман, туб ислохотларни амалга оширишга йўналтирилганини ҳамда бу саъй-ҳаракатлар таълим ходимлари фаолиятининг янада ошайтирилиши билан боғлиқ.

Унда амалиётчи-руҳшунос муаллимлар, соғлиқни сақлаш ходимлари, ташхис маркази вакиллари иштирок этдилар. Мехмонлар тумандаги 23-мактабнинг амалиётчи-руҳшунос ўқитувчиси Т. Содиқов олиб бораётган ишлар, шунингдек ўқув даргоҳида болаларни касбга йўналтириш бўйича яратилган янгиликлар, тиббий хизматнинг ташкил этилиши кабилар билан танишишди. Янги ййғилишда мавзуга оид маърузалар тингланди, баҳс-мунозаралар бўлди, янги мулоҳазалар ўртага ташланди. Республика амалиётчи-руҳшунослар кўрганасида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган муаллимлардан Т. Содиқов ҳамда М. Сатторовлар вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан рағбатлантирилди.

Аваз ҲАЙДАРОВ, ўз мухбиримиз



9 февраль — улуг мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таваллуд топган кун

БУЮК СИЙМО БАШОРАТИ ВА АНДИШАСИ

Буюк бобомиз Алишер Навоий туркий тил ва шеърят тараққиётига улкан ҳисса қўшган шоирдир. Навоий шеърятини ҳақиқий муҳаббат таронаси, инсон ҳаётининг моҳиятини инсонпарварлик нуқтаи назаридан қараб баҳоловчи ҳикматлардан иборатдир.

Севги, вафо, садоқат, ҳалоллик, соҳоват, инсоф, адолат бу шеърятнинг мавзуларидур.

Шоир ўз «сўзи» ҳақида қуйидаги башоратни қилган эди:

«... Умидим улгур ва ҳаёлимга андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин күйи шимағай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни берганмағай...» («Муҳокамат ул-луғатайн» дан).

Навоий жуда кўп асарларига «сўз» деб, шеърятини назарда тутмади. Шоир башорати нақадар тўғрилгини ҳаёт исботлади — унинг шеърятини жаҳон адабиётидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўз асарларига инсонпарварликини куйлаган Навоий амадағи ишлари билан бунини исбот қилди. У халқ орасида сулҳ ва тинчлик элчиси, илм-фан аҳллариининг беиминнат ҳоймиси, фақир халқ нажоткорига бўлиб қолди. Унинг инсоният аҳлига ибрат бўлиб қолувчи хайрли ишларини санаб адо этиб бўлмас. Жумладан, Навоий давлат арбоби бўлган пайтларда улкан ободончилик ишларига бош бўлди: дунёдаги ilk шифохоналардан бирини бобомиз бино қилган ва уни «Шифоия» деб номлаган, бу масканда камба-

ғаллар давонанган; инглиз олими Жон Спенсер Трименгэм «Исломда сўфий тарихатлари» китобига Навоий 90 та работ, яъни карвон йўлларидида дам олиш масканларини курдирганини ёзган. Шунингдек, мадраса, масжид, мармар хрвув ва кўприклар курдирган, боғлар бино қилган.

Улкан илмий ишлар, ўлмас бадиий асарлар яратган буюк шоир, бутун кучини мамлакат тинчлиги ва ободонлиги учун сарф қилган улуг амир Алишер Навоийга ўзининг хайрли ишлари кам кўринарди, у Оллоҳ олдида гуноҳлари кўплагидан андиша қилди:

Ё раб, чекибон кўп рақам журму гуноҳ, номамни қаро қилдиму умримни

Ehtirom

табоҳ,
Раҳмат суйиғин ювмасан ул номани оҳ,
Маҳшар кунини неткамен мени номасиёҳ,
(«Бадойиё ул-бидоя» дан).

Демак, шоир бу тўртликда Оллоҳга муножот қилиб айтади: «Ё раббим, қилган исбуну гуноҳларим сонини кўпайиб, умримни хароб, номамни қаро қилди; энди раҳмат суви билан ул қаро номани ювмасанг, маҳшар кунини мен қандай бош кўтариб юраман?»

Муқаррам АСҚАРОВА, ТДИУ қошидаги республика Иқтисодийёт академик лицейи она тили ва адабиёти ўқитувчиси

3-саҳифага қаранг

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак лавозимига қайта сайланганлиги муносабати билан хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан дил изҳори битилган самийи кўтувлар келиши давом этмоқда.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Урмон қўмитасини Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Урмон хўжалиги бош бошқармасига айлантириш тўғрисида» ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жаҳон таълими академиясида Алишер Навоий туғилган кунининг 559 йиллиги муносабати билан Навоийхолик кечаси ўтказилди.

• Яқинда республика бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобига Бухородаги Ибн Сино номли тиббиёт институтининг вилоят клиник касалхонасида Германиянинг жаҳонга машҳур «Сименс» фирмасининг энг сўнгги моделдаги рентген техникаси ўрнатилди.

• Вашингтонда АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт билан Черногория бош вазири Филипп Вуянович ўртасида бўлиб ўтган музокаралар чоғида АҚШ Черногорияни қўллаб-қувватлаши тасдиқланди.

• Хитойнинг Синхуа ахборот агентлиги маълумотларига қараганда, 1999 йилда мамлакат бўйича 37 бор маданий ёдгорликларни ўғирлаш ҳоллари қайд қилинган.

• НАТО ва Фарбий Европа иттифоқи 17-23 февраль кунлари ҳамкорликда биринчи бор харбий ўқув машқларини ўтказишга қарор қилди.

• Украина ҳукумати яқин вақтлар ичида БМТнинг 15 миллион АҚШ долларига тенг бадалини тўлашни режалаштирмоқда ва биз Бош Ассамблеядаги овозимизни қайта тиклаймиз, деди мамлакат бош вазири Виктор Ющенко.

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида ихтисослашган мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари ташкил этилмоқда. Қисқа вақтда 15 та академик лицей, 180 та касб-хунар коллежлари ва бошқа олий, ўрта махсус ўқув юртлирининг ташкил этилиши шундан далолат бермоқда.

Улар учун педагогик кадрлар тайёрлаш масаласи қандай ҳал этилмоқда? Маълумотларга қараганда, ҳозирча умумтаълим мактабларининг ўзида анчагина малакали ўқитувчилар этишмади.

Микдор иккинчи даражали. Бу борада буюртмачилар — Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармалари ўйлаб кўриши лозим. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонунида ҳам «Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга», деб белгиланган. Қонуннинг бу моддаси олий ва ўрта махсус ўқув юртлири профессор-ўқитувчиларига ҳам, илмий-педагогик ходимларга ҳам тааллуқлидир.

Улар ҳеч бўлмаганда олий мактаб педагогикаси ва умумий психология фани ўқитиш методикасини ўрганишлари лозим бўлади.

Ҳозиргача педагогик касбнома, шунга асосан педагогик таълим мезони (стандартлари) ишлаб чиқилгани муно-

зараларга сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ташкилотчилик, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш, педагогика ва ижодкорлик маҳорати, малакаси ҳам муҳимдир. Албатта, бу фазилатларсиз педагогик фаолият билан шуғулланиш мумкин эмас.

Таълим билан тарбия бир бутун тушунчидир. Аммо ана шу бутунлиқни таъминлашга педагогика олий ўқув юртлири замин яратиб бера оладими? Мамлакатимиздаги бармоқ билан санарли педагогика ўқув юртлири ўқитувчи кадрларга бўлган талабини қай даражада қондирмоқда? Вилоятлардаги педагогика институтларининг университетларга айлантирилиши маълум иш бўлди. Ёшлар ўз

физик, кимёгар, филолог ва бошқа бакалаврлар фундаментал № 400000 код бўйича тайёрланаётгани тўғрисида? Фундаментал таълим бакалавр касбномаси, стандартида ўқитувчи ҳам бўлиши мумкин, деб кўрсатилган. Вилоятларга ҳозир шунча математик, физик, филолог ва ҳоказо бакалаврларга эҳтиёж йўқ-ку! Илмий-амалий анжуманлардан бирида олимларимиздан бири «Бизнинг битирувчилар олий маълумотли ишсизлар сафига қўшилмасмикин» деб қуниб гапирди. Наҳотки, Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган № - В 140100 - В 161500 гача бўлган кодлар асосида физик-педагог, математик-педагог ва ҳоказо фанлар

техника олий ўқув юртлиридаги ўқитиладиган соатлар билан барабар.

Бакалавриатура, магистратура ўқув режалари, стандартлари жаҳон андозалари асосида тузилапти. Ҳақиқатан ҳам айқим мамлакатларда ўқитувчи бўлиш учун бакалавриатурадан кейин яна 1—2 йил педагогик тайёргарлик утилади. Бундан кўра касбга доир педагогика, психология, ўқитиш услубиёти фанларини чуқур ўргатиб, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириб, кенг профили мутахассис тайёрлаш нимаини ютказамиз?

Тўғри, олий ўқув юртлирига мустақиллик ҳуқуқи берилган. Шунга кўра, университетимиз-

ПЕДАГОГИКА ФАНИ МУАММОЛАРИ

юртида, ота-онани кўз ўнгидида халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича мутахассис бўлиб этишишлари мумкин. Вилоятларда ишлаб чиқариш салоҳияти ошди. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт замон талабига мос ҳолда ривожланмоқда. Аммо, бизнингча, бюрократик, ўтмишдан қолган андозабозлик иллатлари педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнига ҳам таъсир этмоқда. Вилоятлардаги умумтаълим мактабларининг ўзида ўқитувчи этишмай турган бир пайтда биолог,

да «Марказий Осиё халқларида мактаб ва педагогика тарихи», «Тарбиявий ишлар методикаси» махсус курси ва факультатив машғулотлари ўқитилмоқда. Бирок ўқув режасида бўлмаган фанни киритиш педагогикдан узок бўлган фанга қўйилган деканатлари билан осон кечмайди.

Абу Наср Форобий «Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улاردан жирка-

Fikr



нади» деб ёзган. Шунинг учун педагогикага тош отиш, уни ўқитишга қаршилиқ қилиш бу фалсафий фикрга қарши чиқиб деганидир. Педагогика предмети масаласига келсак, унинг инсоншуносликдаги ўрни беқиёсдир. Яъни шахсни ривожлантириш билан тарбия ўртасидаги қонуниятларни аниқлаш ва шу асосда тарбиявий фаолиятнинг назарий ҳамда методик асосларини ишлаб чиқиш педагогика фани зиммасига қаради. Унинг вазифаси таълим жараёнида намоеён бўлади.

Таълим-тарбия мазмуни, методларини, комил инсонни шакллантириш қонуниятларини ишлаб чиқиш, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни амалга ошириш, янги педагогик технологияни яратиш, таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига етказиш, уни инсонпарварлаштириш ва демократиялашнинг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқиш ҳам шу фан зиммасига юклатилган. Шунингдек, педагогик кадрлар, унинг касбномаси, ҳозирги давр модели, муаллим, мураббий, мактаб ўқитувчисининг касб фазилатлари, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш, уларнинг педагогик маҳоратини ошириш масаласини ҳам педагогика фани ўрганади.

(Давоми 2-бетда)

нади» деб ёзган. Шунинг учун педагогикага тош отиш, уни ўқитишга қаршилиқ қилиш бу фалсафий фикрга қарши чиқиб деганидир. Педагогика предмети масаласига келсак, унинг инсоншуносликдаги ўрни беқиёсдир. Яъни шахсни ривожлантириш билан тарбия ўртасидаги қонуниятларни аниқлаш ва шу асосда тарбиявий фаолиятнинг назарий ҳамда методик асосларини ишлаб чиқиш педагогика фани зиммасига қаради. Унинг вазифаси таълим жараёнида намоеён бўлади.

Брюсселда яратилган янги кароват, айниқса, болаларга маълум келиши, шубҳасиз. Эътиборли жиҳати, унга ўрнатилган электр двигатели оғзаки буйруққа кўра, кароватни тебретади, ёхуд кароватнинг бир қисми ҳисобланган компьютер ёқимли овозда эртас сўзлаб беради.

АЁЛЛАРГА ЭЪТИБОР

БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти - ЮНЕСКО бу йил 8 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан оммавий ахборот воситаларидаги барча раҳбарлик лавозимларини бир кунга аёлларга топшириш таклифи билан қилди. Бу тадбир журналист аёлларга ўз иқтидорларини намоеён қилишлариға имкон беради.

АНИҚЛИК САРИ

АҚШ, Япония, Австралия ва Европа Иттифоқи мамлакатлари мутахассислари шу йил апрель ойидан об-ҳавони ўрганиш бўйича янги лойиҳани бажаришга киришмоқчи. «ARFO режаси» деб номланган мақсуд лойиҳа сайёранинг барча денгиз ва океанларида амалга оширилади. Лойиҳа тўғрисида об-ҳаво текширишларининг аниқлик даражаси 45 фоиздан 70 фоизгача кўтарилиши кутилмоқда.

Yangilik

БРИТАНИЯ СИНФИ ОЧИЛДИ

Нукусдаги чет тилларни ўрганиш «Прогресс» марказида Британия синфи очилди.

Синфдаги компьютер, телевизор ва бошқа жиҳозларни Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси совға қилди. Синфинг очилиш маросимида Буюк Британия ва Шимол Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги Фақуллода ва мухтор элчиси Ингэм Кристофер жаноблари ишти-

рок этди. Марказда 700 дан кўпроқ ўқувчи мактабдан буш вақтларида чет тиллари ўрганади. Уларга қорақалпоғистонлик ўқитувчилардан ташқари, АҚШдан етти нафар, Буюк Британиядан бир нафар мутахассис таълим-тарбия бермоқда. Яқин кунларда марказда ЮНИСЕФ синфи ҳам очилади.

«Туркистон-пресс»

“ЖАҲОН” АА ХАБАРИ

Шу йилнинг 6 февраль куни соат 11 дан 08 дақиқа утганда афгон авиакомпаниясига қарашли «Боинг-727» русумли фуқаро ҳаво кемаси Термиз шаҳри ҳудудида Ўзбекистон чегарасини кесиб ўтди.

Самолёт экипажи билдирган баёнотта қура, бунинг сабаби Мозори Шарифдаги қуниш учун ноқулай об-ҳаво шароитлари ва юзага келган авария ҳолати бўлган.

Самолёт Ўзбекистон чегарасини кесиб ўтиб, шу заҳотиёқ Тожикистон ҳудуди томон ҳаракатланди. Соат 11 дан 30 дақиқа утганда самолёт Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасида — Бекобод шаҳри атрофида пайдо бўлди. Самолёт Тошкент шаҳар ҳаво ҳужумига қарши мулофаа хизмати ва ердан берилган оғоҳландирилган қарамасдан, ҳеч қандай келишувсиз, авария ҳолатида Тошкент аэропортига қунди. Шундан сунг ҳаво кемаси хавфсиз жойга кузатиб борилди. Экипаж самолётни тарк этмаган ҳолда музокаралар ўтказиб, уни ёниги ва озиқ-овқат билан таъминлашни ҳамда ҳарбийларни самолётга яқинлаштирмаслиқни талаб қилди. Шунингдек, экипаж самолётда қуролланган кишилар ҳамда 170 нафар йуловчи борлигини ва агар қуйилган шартлар бажарилмаса, ҳаво кемасини портлаб

юборишларини маълум қилди. Шундан сунг узбек томони самолётни ёниги билан таъминлаш ва унинг учини учун рухсат беришга қарор қилди.

Экипаж 10 нафар кишини, жумладан, 5 нафар эркек, 4 нафар аёл ва 1 нафар болани самолётдан тушириб қолдириди. Улар ҳозир тиббиёт масканига жойлаштирилган.

Соат 15 дан 45 дақиқа утганда самолёт номалум йўналишда учиб кетди. *** Аввал хабар қилинганидек, жорий йилнинг 6 февралда Тошкент аэропортига рухсатсиз қунган афгон авиакомпанияси самолётидан 10 та йуловчи — 5 та эркек, 4 та аёл ва бир бола тушириб қолдирилган эди. Барча йуловчилар тиббий муассасага жойлаштирилиб, уларга тегишли ёрдам кўрсатилган. Уларнинг БМТ вакиллари, хорижий ва маҳаллий журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Афғонистон фуқаролари Ўзбекистон ҳукуматига кўрсатилган тиббий ва инсонпарварлик ёрдами учун миннатдорчилик билдирди. Шу йилнинг 7 февраль куни соат 16.30 да Афғонистоннинг барча 10 нафар фуқароси БМТнинг Қочоқлар бўйича олий комиссариати вакили жаңо Ф.Ремус иштирокида Термиз шаҳри орқали ўз ватанлари — Афғонистонга ўтказиб юборилди.

